

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 137 — 138 (3214—3215)

1998 йил 13 ноябрь, жума

Баҳоси эркин нархда

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси
Давлат Байроғи таъсис этилган кун

Бош муҳаррир минбари

ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ РАМЗИ

Шу йил баҳорда ер куррасининг энг баланд чўққиси — Жамолунгмага Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғи қадалгани ҳақидаги хушxabар бутун жаҳонга тарқалди. Ун бир нафар ўзбекистонлик фидойи альпинистлар бу чўққини забт этдилар.

Ўзбек халқи «жаҳон томи»нинг забт этилишини диққат билан кузатиб борди ҳамда ҳамюртларимиз ютуғини ҳаяжон билан қутлади. Бу галаба нафақат спортимиз равнақи, балки ундан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эгадир.

Бизнинг байроғимиз Жамолунгмада! Бу — сўзсиз катта сиёсий воқеликдир. Бундан етти йил илгари таъсис этилган ёш, мустақил Ўзбекистоннинг рамзи бўлган байроғимиз мамлакатимиз билан тикланиш йўлини босиб ўтди. Йирик империянинг деярли танилмаган бир ўлкаси шу давр ичида ривожланиб бораётган бакуват давлатга айланди. Байроғимиз жаҳон тараққиётининг барча марказларига танилди, ҳозирда энг ривожланган мамлакатлар байроғи билан ёнма-ён ҳилпираб турибди.

Юртимиз истиқлолга юз тутгач, тобора кўпроқ ўзбекистонликлар хорижга бориш имкониятига эга бўлишди. Улар чет элларда бизнинг ёш суверен давлатимиз қай даражада обрў-эътиборга эга эканлигини билишяпти. Етти йил ҳар қандай мамлакат учун унча катта давр эмас. Аммо шу вақт мобайнида Ўзбекистонда бунёд этилган замонавий иншоотлар, корхоналар, йўллар, шунингдек, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида эришилган муваффақиятлар ва ютуқлар диққатга сазовордир.

Бундай ўзгаришларни кузатиб, нафақат бой воқелиklar ва тарихий юксалишлар, балки буюк келажакка эга бўлган улуг халқ эканлигимизни англай бошладик. Ва байроғимиз жаҳоншумул аҳамиятга молик қудратли ва илгор мамлакатнинг рамзи бўлиб қолди. Буни чуқур ҳис этган ҳар бир ҳамюртимиз қалбида айнан шу серкўёш диёрда туғилиб ўсганидан фахрланиш туйғуси пайдо бўлади.

Халқаро спорт мусобақаларида ўзбекистонлик спортчиларнинг навбатдаги галабасидан сўнг байроғимиз кўтарилганда ҳаяжондан энтикиб кўямиз. Шу дақиқаларда давлатимиз мадҳияси янграши, ой-юлдузлар акс этган байроғимиз мухлисларнинг кўз унгида тобора баланд кўтарилишидан нафақат спортчилар, балки барчамизнинг кўзларимизда қувонч ёшлари қалқийди...

Бу галабалар қаторида юқорида тилга олинган муваффақият алоҳида ўрин тутади. Бизнинг ватандошларимиз талайгина қийинчиликлар ва тусиқларни енгиш билан бирга америкалик альпинистга кумак бериб, амалда халқимизга хос ҳислатлар — матонат ва меҳр-мурувватни намоиш этдилар.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғи ер куррасининг энг баланд нуқтасида ҳилпираб турибди... Президентимиз Ислоҳ Каримов бундай жасоратга эришган альпинистларга йўллаган табрик телеграммасида куйидаги сўзлар бор: «Бизнинг эркимиз ва муваффақиятларимиз рамзи бўлган байроғимиз юксалишда мангу ҳилпирайверсин!»

Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ҳукуматлари орасидаги уюшган жиноятчилик, терроризм ва хавфни кучайтирувчи бошқа жиноятларга қарши ҳамкорликда курашиш ҳақидаги келишувга мувофиқ, Ички ишлар вазирлигида Германия ва АҚШ ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Делегация таркибиде Германия криминал полицияси федерал хизматининг ходими Ш. Капеллуш, Германия криминал поли-

ция хизмати бош маслаҳатчиси Д. Целльнер, АҚШ Махфий хизматининг алоҳида агенти Ч. Уайтлар ҳам бор эди. Учрашувда, шунингдек, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги криминал полиция федерал хизмати зобити Х. Маассен ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги

худудий хавфсизлик зобити Д. Брейлар ҳам иштирок этдилар.

Хорижлик ҳамкасбларимиз жиноятнинг қалбаки пул яшаш каби хавфли тури масалаларига ихтисослашганлар. Шунинг учун Ўзбекистон ИИВнинг қатор бошқармалари раҳбарлари билан бўлган суҳбатлар давомида шу муаммога оид

мавжуд ахборотлар бўйича фикр алмашилди. Томонлар ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш истагини билдирдилар.

Учрашув ишчанлик, қизиқарли ва дўстона руҳда ўтди.


Ўз мухбиримиз.

Халқаро алоқалар

МУАММОЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Шу сонга хабар

КОРХОНА ИШГА ТУШДИ



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Моддий техника ва ҳарбий таъминот базасидаги Маиший ишлаб чиқариш комбинати асосида ташкил этилган «Зобит» Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонасининг тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимотда иштирок этган Ички ишлар вазирининг ўринбосари,

ички хизмат полковниги Ш. Мавлянов йиғилганларни қутлаб, қўшма корхонанинг шу кундаги аҳамияти ҳақида қисқача кириш нутқи сўзлади.

«Зобит» қўшма корхонаси ички ишлар ходимларини сифатли махсус кийим-бош билан таъминлайди, дейди биз билан суҳбатда корхона бошлиғи З.

Тўлаганов. - Бундан ташқари, корхона ишга тушиши билан яна қўшимча олтмиш ишчи ўрни ташкил этилди. Демак, яна олтмиш нафар тикувчи иш билан таъминланади...


Меҳмонлар тикув цехи ва тайёрланадиган махсус кийимлар намуналари билан танишдилар.

...Бугун кенг ва ёруғ,

озода хонада чевар киз-жувонлар «Зингер», «Жуки», «Бразерс», «Тайота» каби замонавий тикув машиналарида иш бошладилар. Уларнинг тайёрлаган маҳсулотлари тез кунда ички ишлар ходимлари ва аскар йигитларимиз кўркини очиши шубҳасиз.

ШАҲЗОДА

Бугунги сонда:



ИШОНЧНИ ПОЙМОЛ ҚИЛСАЛАР...

Жамиятда қонун устуворлиги, демократик тамойилларни қарор топтириш, иқтисодиётда юксак самарадорликка эришиб, халқ турмушини фаровонлаштириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадидир.

Халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессияларида Президентимиз ана шу мақсад йўлидаги сазй-ҳаракатларимиз ва унга тўғанок бўлган айрим раҳбар ходимларнинг

қонунга, жамият тараққиётига зид хатти-ҳаракатларини фош қилиб, уларнинг кирдикорларига муносиб баҳо берди.

Президентимизнинг ҳаққоний, жиддий маърузаси, очик фикр-мулоҳазалари республикаимиз аҳолиси қатори ички ишлар идоралари ходимларини ҳам ларзага келтирди. Шу муносабат билан тахририятимизга келаётган кўплаб мактубларнинг айримларини сиз азиз муштарийларга ҳавола қилмоқдамиз.

дек тегишли.

Бахтиёр Маҳмудов, ИИБ Алоқа бўлими кичик нозир, милиция сержанти:

Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий-вилоятлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқини эшитганимдан буён ўйлана-ман: наҳотки бир вилоятнинг, унда яшовчи минг-минглаб халқнинг тақдири ишониб топширилган раҳбарлар шунчаликка боришса? Халқнинг, ишончини, қонунларни оёқ ости қилиш, ўз шахсий манфаатинигина ўйлаб, мансаб курсисидан ўзи ва қариндош-уруғи, ошна-оғайнилари учун мол-дунё йиғиш «етти авлоди»ни таъминлаш йўлида фойдаланишни пастликдан, бошқа нима деб аташ мумкин? Ўзи қонунни менсимаган раҳбар қонун бузувчиларга қарши қандай курашиши мумкин? Ўзи халқнинг кўз олдида халқ мулкни талон-торож қилиб, ўғрилаб турган раҳбар кўчадаги чакана ўғриларнинг йўлини қандай тўсиши мумкин? Х у қ у қ ш у н о с раҳбарларнинг ўзлари қонунга зид ишларни қилиб турса, бошқалардан нимани кутиш мумкин?

Сайфиддин Усмонов, Кптоб туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти:

Бизда ғалати бир ҳусусият бор: атрофимиздаги салбий ҳолатларни кўриб-билиб турамузу, то юқоридан унга қарши чора кўрилмагунга қадар томошабин бўлиб юраверамиз. Вилоятимиз раҳбарлари томонидан йўл қўйилаётган иллатларни то Президентимиз очик айтмагунча, ҳеч ким кўрмаганмиди, билмаганмиди? Жиллакурса, қурилаётган ҳашаматли, дабдабали бинолар кўзимизга ташлангандир?

Амалдорларнинг кўша-кўша, кўп қаватли данғиллама иморатлар қуриши, ҳали мактабни тугатмаган ўғлининг кўлига «Нексиа»-ю, хориж машинасининг калитини бериб қўйиши сирми? Амалдорнинг ҳашаматли ресторанларда ўтадиган тўйларини ғарибгина бўлиб, бир четда томоша қилиб турганларнинг бошқалардан қаери кам?

Ўйлаймизки, Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессияларида қилган маърузаси фақат шу вилоятлар раҳбарлари учун эмас, бо-сар-тусарини билмай қолган баъзи бойвачча амалдорларга ҳам бир-

ни, ҳеч нарсани писанд қилмай қонунсиз ишларга кўл урганда оддий аҳоли «кимсан, фалончиев қонунни бузиб, адолатдан кўз юмиб, давлат сиёсатига тескари иш қилиб турганда бошқалардан нимани кутиш мумкин?» - дейиши табиий.

Лекин ит ичгани билан дарёнинг суви ҳаром бўлмаганидек, Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги айрим раҳбарларнинг тубан кетиб, қилган ишлари, адолат йўқ дегани эмас.

Собиқ совет тузумининг тарбияси қонига сингиб кетган бу раҳбарлар «вилоятда ҳокими мутлақмиз, кўнглимиз тусаганини қиламиз» деган ўй-хаёлда юрган бўлиши мумкин. Акс ҳолда бюджет муассасалари ходимларига 198,2 миллион сўм иш ҳақи, олти ёшгача бўлган болаларга, кам таъминланган оилаларга 132 миллион сўм, 2 ёшгача бўлган болаларига қарагани учун ишламайдиган оналарга 184 миллион сўм миқдорда нафақа ва ёрдам пулини тўлолмай, қулоғига қарзга ботиб ётгани ҳолда раҳбарлар қандай қилиб шахсий манфаатлари учун давлатнинг миллион-миллион сўмлаб маблағини ҳазм қилиб юборади?

Буларнинг ҳаммаси ўша раҳбар ходимларнинг сиёсий кўрлиги ва маънан қашшоқлиги туфайлидир. Ундайларга ҳар қанча жазо берилса - кам...

Назираҳон Ёдгорова, Улғунор тумани ИИБ ходими, милиция майори:

Халқимизда «катта арава қаердан юрса кичиги ҳам шу ердан юради» деган ажойиб нақл бор.

Халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессияларида Президентимизнинг жон куйдириб қилган маърузаларидан вилоятлардаги халқ ишониб сайлаб қўйган бир қатор раҳбар ходимларнинг қилмишларини эшитиб, беихтиёр ҳаёлимга юқоридаги нақл келди.

Мансаб курсисига ўтиргандан беш панжасини оғзига баробар тикиб, қонун ва фармонларни менсимай, адолат

ФАХРИЙЛАР ФИКР БИЛДИРИШДИ



га яқиндан кўмаклашишлари лозим. Бинобарин, бу ўзига хос имтиҳон ходимлар касб маҳоратининг шаклланиши, ишга ҳалақит бераётган камчиликлар аниқланишига яқиндан ёрдам беради. Ички ишлар идоралари фахрийлар ташкилотларнинг куч-қувватини шу мақсад сари йўналтирилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони муҳокама қилиш чоғида фахрийлар ушбу ҳужжат вақтида қабул қилингани, жойларда тўй-ҳашамлар ва бошқа оилавий маросимлар ташкил этишда



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказида ўтказилган фаоллар йиғилишида яқинда Президентимизнинг республика ички ишлар идоралари раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича комиссиялар тузиш ҳақидаги кўрсатмаси ҳамда тўй-ҳашамлар ва бошқа маросимларни халқимиз расм-русумлари ва одатлари асосида ташкил этиш тўғрисидаги Фармони юзасидан фахрийлар ташкилотларининг олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

Кўрилаётган масалалар бўйича жамоатчилик марказининг раҳбари, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов сўзга чиқиб, юқорида тилга олинган ҳужжатлар муҳимлиги ва ўз вақтида қабул қилинганини айтиб ўтди ҳамда бу борада ички ишлар идоралари фахрийлари олдида турган вазифаларга тўхталди.

Аттестациядан ўтказиш бўйича фикр юритилганда ички ишлар идоралари раҳбар ходимларининг касб маҳорати, ишбилармонлиги, маънавий етуклигига баҳо бериладиган ушбу тадбирда фахрийлар имконият даражасида иштирок этишлари зарурлиги таъкидланди. Бунда улар ўз обрў-эътибори, тажрибасига суянган ҳолда аттестация комиссияси аъзоларига тадбир юксак талабчанлик асосида, шу билан бирга ҳаққоний ўтиши-

теварак-атрофдагилар, биринчи навбатда, кексалар ва оқсоқолларнинг мулоҳазалари инобатга олинмаётгани кўпчиликни ўйга толдираётганини алоҳида таъкидлашди. Тўй-ҳашамлар, маърака ва маросимлар, шунингдек, бошқа тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида халқимизга ёт бўлган дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани ачинарлидир.

Президентимиз Фармони биноан тўй ва бошқа маросимларни ихчам, камхарж қилиб ўтказишда маҳалла оқсоқоллари, фаоллар зиммасига катта масъулият юклайди. Бугунги кунда эса маҳаллаларни ички ишлар идоралари фахрийлари ҳам бошқаришяпти.

Ф. Раҳимовнинг сўзларига қараганда, Фармон эълон қилинган дастлабки кунлардан фахрийлар ташаббуси билан маҳаллаларда учрашувлар ташкил этилиб, суҳбатлар, тушунтириш ишлари, олиб борилаяпти.

Йиғилиш давомида сўзга чиққан фахрийларнинг мақсади, ўй-мулоҳазалари муштарак эканлиги сезилиб турди. Кўпчиликнинг дилидаги гапларни ифода этган ҳужжат қабул қилинди. Эндиги навбат уни ақл-идрок, сабр-тоқат ва якдиллик билан ҳаётга жорий этишга!

Ўз мухбиримиз. Суратда: муҳокама пайти.

М. Сайченко олган сурат.

11.00, 19.30 «Денгиз одами» телесериали.
12.00, 16.00 Хотин-қизлар ҳаётидан.
12.30, 21.30 «У қотилликни қайд этди» телесериали.
13.30 «Ҳазрат Януарий операцияси» комедия.
15.30, 20.30 А. Карауловнинг тоқшоуси.
16.30 «Унутилмаганлар» телесериали.
17.30 Мультфильм.
18.00 «Сен қоронғуликдан қўрмайсаними?» усмирлар учун сериали.
18.30 Муъжизакор.
19.00 «Эко-пойнт» ёшлар сериали.
21.00 Стриж ва бошқалар.
22.30, 1.40 «Денгиз полицияси-2», 5-6 қисмлар.
23.30 «Забт этувчи» Фантастик жанрда фильм.
1.25 «Улкан янгилдиклар».

